

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИМОВА ХОЛИДА КАМИЛЖАНОВНА

**МИКРОБЛИ ПРЕПАРАТЛАРДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

03.00.10-Экология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус-2022

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии наук (PhD)
по биологическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on biological sciences**

Рўзимова Холида Комилжановна

Микроб препаратлардан қишлоқ хўжалиги амалиётида
фойдаланишнинг экологик жиҳатлари 5

Рўзимова Холида Комилжановна

Экологические аспекты использования микробных препаратов в
сельскохозяйственной практике 19

Ruzimova Kholida Kamiljonovna

Ecological aspects of the use of microbial drugs in agricultural practice 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИМОВА ХОЛИДА КАМИЛЖАНОВНА

**МИКРОБЛИ ПРЕПАРАТЛАРДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

03.00.10-Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2018.2PhD/B216 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.aknuk.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турабаев Акмал Нормуминович
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна
физика-математика фанлари доктори

Абсаттаров Ниетбай Аллаберганович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.04.2021.В.79.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «7» 04 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус шаҳар, Бердақ проспекти, 41, институтнинг кичик мажлислар зали). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 66 рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 03 да тарқатилди.
(2022 йил «14» 03 даги №22 - рақамли реестр баённомаси)



Аимбетов Нагмет Каллиевич
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
Академик

Утемуратова Гулшарин Нажиматдиновна
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
б.ф.ф.д. (PhD)

Жўмамуратов Мырзамурат Ажимуратович
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кўплаб тупроқларнинг экологик ҳолатининг ёмонлашуви, экин майдонлари унумдорлиги ва ўсимликлар ҳосилдорлигининг пасайиши долзарб масалалардан ҳисобланиб, тупроқнинг унумдорлигини оширишда биологик препаратларни қўллаш, агроценозлар маҳсулдорлигини экологик жихатдан баҳолаш, тупроқда яшовчи микроорганизмларнинг фаолиятдан оптимал даражада фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада, муайян агроиклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги амалиётида ўсимликларнинг биологик потенциали ва экологик инкирозга учраган тупроқларни қайта тиклашда биопрепаратлар самарадорлигини агроэкологик ва иқлим шароитларига боғлиқлигини аниқлаш, экологик тоза маҳсулотларни олиш мақсадида биологик препаратларни қўллаш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда, айниқса, ривожланган мамлакатларда тупроқларнинг биологик қайта тикланиши учун қишлоқ хўжалигининг аксарият тармоқларида экинларни етиштириш ва улардан экологик тоза маҳсулотларни олиш мақсадида биологик препаратлардан фойдаланиш ҳамда ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, экологик инкирозга учраган тупроқларни қайта тиклаш учун биопрепаратларнинг самарадорлигини агроэкологик ва иқлимга боғлиқлигини аниқлаш, буғдой ва ғўза ўсимликларини шўрланган тупроқларда озикланишини барқарорлаштириш, ўсимликлар билан тупроқда яшовчи микроорганизмлар орасидаги ўзаро симбиотик муносабатларини бошқариш, тупроқ пестицидларини фаол деструкцияловчи самарали микроорганизмлар штамmlарини танлаб олиш ва турли хил даражада шўрланган тупроқларда микробиологик препаратлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда илмий асосланган усуллардан фойдаланиш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини асосий ўсимликлардан бўлган буғдой ва ғўза етиштиришнинг рақобатбардош технологияларини яратиш ҳамда бир неча йиллар давомида фойдаланиб келинаётган агротехнологияларни такомиллаштириш ва шўрланган тупроқларда микробиологик препаратлардан фойдаланишни амалиётга тадбиқ қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга интенсив усулларни кенг тадбиқ қилиш ва аввало замонавий сув- ва ресурстежовчи агротехнологияларни қўллаш” вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, шўри ювилган ва шўрланган тупроқларда микробиологик препаратлардан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони

фойдаланиш ҳамда тупроқнинг экологик ҳолатини қайта тиклаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги Ф-3751-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни механизациялаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги Ф-5394-сон «Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишнинг қўшимча ташкилий чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ўтказилган тадқиқотлар натижасида ризосфера микроорганизмларининг тарқалиши ва уларнинг антифунгал хусусиятлари бўйича Давранов Қ.Д. (2011-2018), Золотилина Г.Д., (2011), Ходжибаева С.М. (2012), Фёдорова О.А. (2015) Муродова С.М. (2018), шўрланган ва дегадацияга учраган тупроқларда гўзани етиштириш учун экологик ҳавфсиз фосфор парчаловчи бактериялар асосида биопрепаратлар бўйича Джуманиязова Г.И. (2012), Шакиров З.С., (2015), Кадирова Г.Х., (2018) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

МДХ давлатларида ризобактериялар асосидаги биопрепаратлар билан қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш бўйича ўсимликларни фитопатогенлардан ҳимоя қилиш, ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, тупроқ шароитига мослашиши тўғрисида Сорокина И ва бошқ. (1998), Боронин А.М. (1998), Тихонович И.А., ва бошқ. (2005), Логинов О.Н. (2005), Титова Л. (2009) каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Хорижий олимлардан Stein et al., (1990), Sheng, X (2005), Narula N., Saharan, B., (2005, 2015), Richardson A., (2009), Dong H., (2012), Yasmin S., (2013), Schisler et al., Zhao et al., Xue et al. (2014), M.S. Khan et al (2014), Grosu et al., Simonetti et al. (2015), Pereg L., (2015), Roushan Islam (2017) лар шўрланган тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатини мониторинг қилиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг экологик стресс шароитга чидамлилигини оширишда микроорганизмларнинг фаол штаммларидан фойдаланиб биопрепаратлар тайёрлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-2010-7 “БИСТ биопрепаратини кўллаган ҳолда тупроқ унумдорлигини ошириш технологиясини жорий этиш” (2010-2012 йй.) ва МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-91 “Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ҳар хил агроценоз шароитларида микроб препаратларидан фойдаланишнинг экологик жиҳатлари” (2018-2020 йй) мавзуларидаги амалий ва иновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Микробли препаратлардан кишлок хўжалиги амалиётида фойдаланишнинг экологик жиҳатларидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биопрепаратларни хлорид-сульфатли ва сульфатли шўрланиш шароитида ўстирилган буғдой ва ғўза ўсимликларининг ҳосилдорлигига ва фитопатогенлар билан касалланиш даражасига экологик таъсирини баҳолаш;

“Бист” ва “Бист-М” биопрепаратларнинг Хоразм вилояти агроэкологик зоналаридаги буғдой ва пахта маҳсулдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири самарадорлигини аниқлаш;

“Бист” ва “Бист-М” биопрепаратларининг хлорид-сульфатли ва сульфатли шўрланиш типидagi тупроқларнинг биологик фаоллигига ва экологик ҳолатига таъсирини қиёсий таҳлил қилиш;

маҳаллий хом-ашё асосида шўрланган тупроқларда ишлатиш учун мослашган “Бист-М” биопрепаратини тайёрлаш учун муҳит яратиш ва ундan фойдаланиш.

Тадқиқотнинг объекти экологик ҳолати турлича бўлган тупроқлар ва уларда ўстирилган буғдой ва ғўза навлари, кучсиз, ўртача, кучли даражада шўрланган ва шўрланмаган эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари, “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари ғўза (*Gossypium hirsutum* L) нинг С-6524 Порлоқ-2 ва Хоразм-127 навлари, буғдой (*Triticum aestivum* L) нинг. “Зимница”, “Асп”, “Дурдона”, “Таня” ҳамда бошқа янги навлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратларининг Хоразм вилоятининг турли экологик–географик ва агроиклим шароитларда турли даражада шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқларда микроорганизмлардан тайёрланган препаратларнинг экологик муҳитга таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида экологик (табиий муҳит объектларини мониторинг қилиш), агротехнологик, фенологик, агрокимёвий (тупроқ таркиби ва сифати), биотехнологик (микробиологик препаратлар) ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор “Бист-М” биопрепаратининг асосини ташкил қилган ассоциатив бактериялар билан ўсимликлар орасидаги ўзаро муносабатларга агроэкологик омилларнинг таъсири аниқланган;

ассоциатив бактериялар (*Pseudomonas, Bacillus*) нинг стресс, нисбатан мақбул экологик шароитларида ўсимликлар учун ўзаро симбионтлик хусусиятини намоён этиши исботланган;

стресс шароитларида (шўрланиш, курғоқчилик ва х.к), ўсимликларни “Бист” гуруҳига кирувчи биопрепаратлар билан инокуляция қилинганда уларда қатор химоя реакцияларини фаоллашуви ҳамда агроф мухитнинг ноқулай шароитларида ўсимликларнинг ривожланиш даврида стресс таъсирининг камайиши асосланган;

Хоразм вилояти агроиклим шароитида “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари таркибига кирган ассоциатив бактерияларнинг буғдой ва ғўза ўсимликларининг ўсиши ва азот билан озикланишига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Бист” ва “Бист-М” биопрепарати билан ғўза ва буғдой уруғларига ишлов бериш натижасида Хоразм вилояти тупроқларининг стресс омиллар шароитига чидамлиги аниқланган.

“Бист” биопрепаратидан бошқли ўсимликларнинг уруғларига ишлов бериш унинг таркиби такомиллаштирилган “Бист-М” биопрепаратидан фойдаланиш янада самаралироқ таъсир кўрсатиши аниқланган.

“Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари билан ишлов бериб экилган кузги буғдойни ун шудринг (*Erysiphe graminis*), кўнгир занг (*Puccinia recondite*), септориоз (*Septoria tritici*), илдиз чириш (*Fusarium oxysporum*) билан касалланиш ҳолатининг пасайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар бир тадқиқот тажрибаси камида 3 қайтариқдан ўтказилганлиги ва бу ишончли ва барқарор натижаларнинг ўртача кийматини ҳисоблаб чиқиш имконини бергани билан асосланган. Тажриба маълумотларини статистик ҳисоблаш Стьюдент критерийси компьютер дастури ёрдамида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилоятининг агроиклим шароитида “Бист” ва “Бист-М” гуруҳига кирувчи биопрепаратлар турли хил ўсимликлар уруғига экишдан олдин ва вегетация даврида ишлов бериш, ўсимликларни турли хил экологик стресс шароитларга чидамлилигини ошириши, тупроқнинг экологик ҳолати яхшиланиб ўсимлик ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳамда сурункасига 2-3 йил мобайнида биопрепаратлардан фойдаланган майдонларда тупроқни экологик ҳолати яхшилانганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экишдан олдин “Бист-М” ва “Бист” биопрепаратлари билан инокуляция қилиш экологик ҳолати турлича бўлган (шўри ювилган ва шўрланган) тупроқларга самарали таъсир кўрсатиши, шунингдек уларнинг униб чиқишини 1-2 кунга тезлаштириши, вегетацияни кучайтириши ва илдиз ҳосил қилиш жараёнларини фаоллаштирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Микроб препаратлардан қишлоқ хўжалиги амалиётида фойдаланишнинг экологик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Хоразм вилояти агроиклим шароитида буғдой ҳосилдорлигини ошириш учун “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари билан “Зимница”, “Асп”, “Дурдона”, “Таня” навлари уруғларга ишлов бериш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02-02/8-2190-сон маълумотномаси). Натижада, буғдой ўсимликларини азот билан озикланишига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда, оптимал ўсиши ва ривожланиши яхшиланган, ҳамда қўшимча сифатида 3,2-5,0 ц/га ҳосилдорлик ошиши имконини берган;

“Бист” биопрепарати билан ғўза ўсимликлари “С-6524” нави уруғларига ишлов бериш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 02/Т-8-3997-сон маълумотномаси). Натижада, оғир металлларни аккумуляциясига салбий таъсир кўрсатиб, ҳар гектар ғўза майдонларидан қўшимча сифатида 3,0-4,0 ц/га ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 6 та, жумладан 3 та халқаро, 3 таси республика илмий-амалий анжуманларида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тупроқлар ҳолатини яхшилаш ва суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш мақсадида микроорганизмлардан

фойдаланишнинг экологик хусусиятлари (адабиётлар шархи)» деб номланган биринчи боби икки қисмга бўлинган бўлиб, «Тадқиқот ҳудудида экологик омилларнинг ўрганилганлик даражаси» деб номланган биринчи қисмида экологик омилларни шунингдек, тупроқлар экологик-генетик хоссалари ва биологик фаоллигига бўлган таъсирини ўрганиш ҳамда унинг таъсир даражасини баҳолашга қаратилган кўп йиллик илмий ишларнинг таҳлили келтирилган. «Мамлакатимиз ва хорижда микроорганизмларни препаратлардан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва экологик жиҳатлари» деб номланган иккинчи қисмида шўрланган тупроқларда деҳқончилик юритишда фойдаланиладиган биопрепаратлар ва уларнинг таркибий қисми бўлган микроорганизмларнинг хилма – хиллиги, биокимёвий хусусиятлари, ўсимликларнинг илдиз тизимида колонияланишлари, тупроқ унумдорлигини ҳамда кишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида микробиологик препаратлардан фойдаланишнинг истиқболларини кўрсатиб берувчи тадқиқотлар таҳлили баён этилган. Адабиётлар шарҳида шўрланган тупроқларнинг экологик жиҳатларига замонавий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда комплекс ўрганиш ва улар асосида тупроқ унумдорлигини ҳамда кишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишда микробиологик препаратлардан фойдаланишнинг истиқболларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти табиий-иқлим шароитининг ўзига хос хусусиятлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудудининг географик жойлашиш ўрни, геологик-литологик, геоморфологик, гидрогеологик шароитлари, иқлими ва ўсимлик қопламлари ҳамда экологик жиҳатларида антропоген омилларнинг таъсири, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Тупроқларнинг экологик ҳолати, шаклланиши ва уларнинг биологик фаоллиги**» деб номланган учинчи бобида иккита яъни, «Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг морфологик ва экологик ҳолати» ва «Худуд тупроқларининг агрокимёвий хоссалари ва шўрланганлиги» қисмдан иборат худуд тупроқларининг хосса-хусусиятларига шўрланиш жараёнининг таъсирини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

«Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг морфологик ва экологик ҳолати» Тупроқлардаги шўрланиш ҳамда намланиш режимининг ўта ўзгарувчанлиги тупроқ қопламининг тузилиши ва таркибида, шунингдек уларнинг хилма-хиллигини белгиловчи ўсимлик қопламида ҳам сезиларли из қолдиради. Кўрик шўрхоқлардан шўрланмаган эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар томон профилда гумусли қатлам қалинлигининг ошиши, механик таркибининг оғирлашиши ва структурасининг яхшиланиши билан характерланади. Умуман олганда, профил ўртасида юпқа қумли қатламнинг мавжудлиги ва чуқурлашган сари кучайиб борувчи гилланиш белгиларини турли даражада ифодаланиши ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ўзига хос морфологик хусусиятларидан ҳисобланади.

Хоразм вилояти Ҳазорасп (Тупроққалъа) тумани Охунбобоев ҳудудида жойлашган “Шухрат-Нодир” ва “Қаландар Яхшибоев” фермер хўжаликлари тупроқлари ҳолати таҳлилилари қуйидагича;

1-жадвал

Сўғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий ва кимёвий таркиби

Чуқурлик, см	Чиринди, %	P ₂ O ₅ , мг/кг	K ₂ O, мг/кг	SO ₄ гипс, %
1-кесма. Шухрат – Нодир ф/х қадимги Даудан дарёси ўзани ётқизиклари, эскидан сўғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар (2017 йил)				
0-30	0,80	14,13	120	0,123
30-51	0,52	12,13	100	0,157
51-73	0,73	6,67	88	0,148
73-105	0,47	2,67	104	0,050
105-135	0,73	2,0	80	0,256
2 – кесма. Қаландар Яхшибоев ф/х қадимги Даудан дарёси ўзани ётқизиклари, янгидан сўғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар (2017 йил)				
0-28	0,74	8,0	140	0,218
28-43	0,90	6,0	160	0,167
43-76	0,40	2,67	112	0,113
76-100				0,118

2-жадвал

Сўғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг шўрланганлик даражаси

Кесма чуқурлиги, см	Умумий HCO ₃ , %	Cl, %	SO ₄ , %	Ca, %	Mg, %	Қуруқ қолдиқ, %	Тузлар миқдори %	Cl / SO ₄	Шўрланиш тип	Шўрланиш даражаси
1-кесма. Шухрат – Нодир ф/х қадимги Даудан дарёси ўзани ётқизиклари, эскидан сўғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар (2017 йил)										
0-30	0,038	0,016	0,044	0,01	0,005	0,132	0,118	0,48	X-C*	Кам
30-51	0,037	0,019	0,052	0,01	0,005	0,158	0,135	0,59	X-C	Кам
51-73	0,039	0,021	0,062	0,01	0,004	0,160	0,156	0,46	X-C	Кам
73-105	0,040	0,022	0,062	0,01	0,005	0,158	0,157	0,47	X-C	Кам
105-135	0,038	0,030	0,084	0,012	0,004	0,260	0,201	0,48	X-C	Кам
2 – кесма. Қаландар Яхшибоев ф/х қадимги Даудан дарёси ўзани ётқизиклари, янгидан сўғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар (2017 йил)										
0-28	0,021	0,044	0,660	0,188	0,050	1,100	0,994	0,09	C*	Ўртача
28-43	0,022	0,035	0,560	0,178	0,046	1,230	0,839	0,09	C	Ўртача
43-76	0,023	0,037	0,710	0,178	0,044	1,160	1,065	0,07	C	Ўртача
76-100	0,026	0,039	0,650	0,174	0,047	1,200	0,980	0,08	C	Ўртача
100-125	0,024	0,041	0,620	0,17	0,046	1,250	0,939	0,09	C	Ўртача

*Хлорид-сульфатли ва сульфатли

Ўрганилган тупроқларда шўрланиш даражасининг турлича эканлиги, яъни тупроқ профили бўйлаб кучсиз, ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган қатламлар алмашилиб туради.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланилаётган микробли препаратларнинг экологик самарадорлиги» деб номланган

тўртинчи бобида, тадқиқот ҳудудида асосан “Бист” ва “Бист-М” микробли препаратларидан фойдаланилганлиги таъкидланган. Бу Бист биопрепарати *Pseudomonas putida Pp-1* штамми асосида яратилган ва (IAP 20180376) рақамли патент билан ҳимояланган. *Pseudomonas putida Pp-1* штамми асосан ўсимликларда касал кўзғатувчи фитопатоген замбуруғларнинг ўсишини ва ривожланишини бўғиб қўйиш хусусиятига эга. У айниқса, ғўзада вилт касаллигини чакирувчи *Verticillium dahliae* замбуруғига қарши юқори фаолликда таъсир кўрсата олади.

Pseudomonas putida Pp-1 нинг *Fusarium oxysporum*, *Alternaria alternata*, *Fusarium solani*, *Fusarium oxysporum f.sp rasifectum* каби замбуруғларга қарши фаоллиги тадқиқотларда ўз исботини топган.


“Бист-М” микробли препарати полифункционал хусусиятга эга бўлиб, у *Pseudomonas putida Pp-1* ва *Bacillus subtilis –CK5 256* штаммларининг аралашмасидан тайёрланган. Ушбу биопрепаратнинг ўсимликларни ўстирувчанлик хусусияти “Бист” га нисбатан кучлироқ. “Бист-М” нинг бионазорат қилиш хусусияти “Бист” препарати даражасида сақланиб қолган. Препарат таркибига кирган бактериялар антагонизм намоён қилмасдан, бир хил муҳитда ривожланади ва биомасса ҳосил қилади.

*Pseudomonas putida Pp-1*ни ғўза ва буғдой ўсимликларининг ўсишини ривожлантириши ҳам аниқланган. Шўрланган тупроқларда буғдой ва ғўза уруғларини униб чиқишларини таъминлай олади, ўсимликларни ўстириш ва илдиз ҳосил қилиш жараёнларини тезлаштирадilar, ўзидан ауксин ва гиббериллин гуруҳларига кирувчи фитогормонлар чиқаради. Препарат таркибига вермикулит аралаштирилган бўлиб, у ўсимликларни қурғоқчиликка бўлган чидамлилигини оширади.

“Бист-М” эса, тупроқдаги пестицидлар ва микротоксинлар билан ифлосланишини ҳамда шўрланиш даражасини пасайтиради, уни экологик ҳолатини яхшилайдди, ўсимликларни айниқса ғўза ва буғдойнинг ҳосилдорлиги шунингдек, тупроқларнинг унумдорлигини оширади.

Дала тадқиқот ва тажриба изланишлари Хоразм вилояти, Тупроққалъа (Ҳазорасп) тумани “Шухрат-Нодир” ва “Қаландар Яхшибоев” фермер хўжалиқларида ўтказилди.

Биопрепаратлар билан ҳар бир гектар ерга сарфланадиган уруғга 2 л, ўсимликнинг вегетация даврида 5 литрдан шарбат суви билан оқизиб ва 5 л суспензия билан сепилиб ишлов берилганда, ҳосилдорлик 7-12 центнерга ошганлиги, кўчатнинг униб чиқиши 3-4 кунга тезлашгани; шона ташлашни олди олинганлиги, ғўза кўрақларининг йириклашгани, ҳосил сифати яхшиланганлиги, ғаллада эса, ўсимлик баргларининг йириклашганлиги, клейковина миқдори ошганлиги, фотосинтез жараёни яхшиланганлиги натижада ҳосилдорлик ошганлиги кузатилган. (1-расм).



1-расм. Кузги буғдойни Тая навиг уруғларига “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари билан ишлов берилганда, ўсимликни қишдан чиқиш кўрсаткичлари, %-да (Тупрокқалъа ф/х лари 2020 й)

Эслатма: “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари сарфи 1т уруғга экишдан олдин ишлов беришда 2 л: эрта баҳорда ишлов беришда 5 л (5 л препаратни 250 л сув билан аралаштириб, 1 га майдонга сепилган). Витавакс FF нинг сарфи 1т уруғга-3л. Жадвалда 3 маротаба қайтарилган тажрибаларни ўртача арифметик кўрсаткичлари келтирилган.


Қишдан чиққан ўсимликларни умумий миқдори 90% дан ошган. Уруғга “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари билан ишлов бериб экилган буғдойни умумий миқдори, ўғитланмаган ва ўғитланган майдонларда ҳам бир-биридан унчалик катта фарқ қилмаганлиги ва “Бист” да мос равишда 96,5 ва 96,7% ни; “Бист-М” биопрепаратида эса 97,2 ва 97,9% ни ташкил қилган.

3-жадвал

“Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари буғдойни ҳосилдорлигига ва унинг таркибидаги клейковинанинг миқдорига таъсири (Тупрокқалъа ф/х лари “Зимница” ва “Дурдона” навлари 2020 й)

Вариантлар	Ҳосилдорлик ц/га	Қўшимча ҳосил		Ҳом клейковина миқдори, %да
		ц/га	%	
Назорат	17,0	-	-	26,0
“Бист”(2л/1т уруғга+5л найчаланиш даврида)	18,7	1,7	10,0	26,8
“Бист-М””(2л/ т уруғга+5л найчаланиш даврида)	19,0	2,0	11,7	26,9


Биопрепаратлар таъсирида буғдойни ҳосилдорлиги ва унинг таркибидаги клейковинанинг миқдори ҳам ижобий томонга ўзгарганлиги кузатилган (3-жадвал).



2-расм. Кузги буғдойни “Зимница” навини шохланиш давридаги биометрик кўрсаткичлари

Муайян майдондаги ўсимликлар сони ва уларнинг шохланиш имкониятлари, ҳосилдорликнинг шаклланишида асосий роль ўйнайдилар. Бунда, ўсимликнинг минерал озуқа билан таъминланиши, белгиловчи омил ҳисобланади. Кузги буғдойнинг ҳолатини характерловчи бир қатор биометрик кўрсаткичлар аниқланган: шохланиш фазасида ва бошоқ шаклланиш даврида шохланиш коэффициенти, ўсимликнинг баландлиги, барглар сони шулар жумласидандир (2-расм).


Кузги буғдойнинг ҳар хил навлари, бошоқ шаклланиш фазасида, ўзларининг максимал баландлигига эришадилар. 2017 йилда Хоразм вилоятининг Қўшқўпир, Янгиариқ, Хива ва Боғот районларида бу кўрсаткич 62,5 см дан 75,6 см гача бўлганлиги аниқланган бўлсада, 2018 йилда ёғингарчиликнинг кам бўлганлиги, кўп майдонларда ҳатто қурғоқчилик ва туз кўчиш кузатирилганлиги сабабли кузги буғдойлар ўсишдан қолиб, уларни ҳосилдорлиги ҳам тушиб кетганлиги кузатилади. Шундай оби-ҳаво оғир келган йилда ҳам биопрепаратлар билан ишлов бериб экилган майдонлардан йиғиб олинган ҳосил назоратдагига нисбатан бироз бўлсада баланд бўлганлиги кузатирилган (орадаги фарқ 1,2-1,5 ц/га ни ташкил қилган). 2017 йил маълумотларига кўра, маҳсулдор шаклланиш коэффициенти 0,9-1,1 бўлганлиги ва бу кўрсаткич ўсимликни минерал озикланиши ҳамда уруғга биопрепаратлар ва кимёвий воситалар билан ишлов беришга боғлиқ эканлиги кузатирилган ва 1 та бошоқдаги буғдой сони 13 тадан 16 тагача бўлганлиги аниқланган (3-расм).



3-расм. Кузги буғдойнинг бошок шаклланиш фазасидаги биометрик кўрсаткичлари

Эслатма: 1-назорат; 2- “Бист”; 3- “Бист” найчаланиш ва бошокланиш фазаларида; 4- “Бист-М”; 5-“Бист-М” найчаланиш ва бошокланиш фазаларида; 6-витавакс, 200 FF. Шохланиш коэффициенти-1дона ўсимликдаги шохчалар сони.

Кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги қатор омиллар таъсирида шаклланади. Маълумки, ўсимликнинг озикланиши, сув ва ҳаво режимига таъсир кўрсатиш орқали, унинг ҳосилдорлигини кўтариш мумкин. Мана шундан келиб чиққан ҳолда, минерал ўғит ва биопрепаратлардан тўғри фойдаланиш орқали ўсимликни озикланишини ҳамда тупроқда ҳаво айланишини яхшилаш мумкин. Тажрибаларда, ўсимликнинг вегетация даврида биопрепаратлардан фойдаланиш, тупроқни юмшашига, уни физик ҳолатини яхшиланишига олиб келиши кузатиш мумкин. “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратларидан фойдаланиш, кузги буғдой ҳосилдорлигини гектар бошига 2 центнердан 6 центнергача кўтариши мумкинлиги кузатиш мумкин. Айниқса тупроққа N30 P30 ва эрта баҳорда N60 тартибида озиклантириш энг яхши натижа бериши аниқланди (4-расм).



4-расм. Минерал ўғитлар ва биопрепаратларни кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири.

Шундай қилиб, “Бист” билан ишлов бериш, кузги буғдойга куз даврида ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Қишдан чиққан ўсимликни

миқдори 90,9% ни ташкил қилди. Махсулдор шохланиш коэффиенти ва бошоқлар сони, минерал ўғитларни дозасига ва “Бист” билан ишлов беришга боғлиқ равишда ўзгарганлиги кузатилди. Ҳосилдорлик 2-6 ц/га ошганлиги аниқланди. Қуйида Хоразм вилояти тупроқлари шароитида “Бист” биопрепаратини буғдой дони сифатига таъсири кўрсатиб ўтилган (4-жадвал).

4-жадвал


Хоразм вилояти тупроқлари шароитида “Бист” биопрепаратининг буғдой дони сифатига таъсири

Вариантлар	Дон натураси, г		шаффоф лиги		1000дона доннинг оғирлиги		Клейковина миқдори	
	1*)	2*)	1*)	2*)	1*)	2*)	1*)	2*)
	Дурдона нави							
Назорат	718 ± 2,0	713 ± 4,0	72	69	40,6 ± 0,5	40,1 ± 0,5	21,0 ± 1,3	20,3 ± 1,5
Бист	740 ± 2,5	736 ± 2,2	81	77	44,1 ± 0,7	43,9 ± 0,6	23,6 ± 0,7	22,7 ± 0,6

Кейинги тадқиқотларимиз Бист препарати (уни асосини ташкил қилган *Pseudomonas putida* Pp-1 штамми) фунгицид таъсирга эга эканлигини эътиборга олиб, ўсимликнинг ун шудринг (*Erysiphe graminus*), кўнғир занг (*Puccinia recondite*), септориоз (*Septoria tritici*), илдиз чириш (*Fusarium oxysporum*) касалликларини чақирувчиларига нисбатан муносабатини ўрганишга қаратилди. Илдиз чиришга қарши таъсирини буғдой уруғига препарат билан ишлов бериш орқали, қолган касалликларга қарши таъсирини эса, ўсимликнинг ер усти қисмига ишчи эритма билан (ишчи эритма 4 л препаратни 250 л сув билан аралаштирилиб, 1 га майдонга сепаб чиқилди) ишлов бериш орқали ўрганилди. Назорат сифатида Тилт-премум кимёвий препаратидан фойдаланилди (1 га майдонга 0,33 кг препарат сарфланди).

Ишлов берилгандан кейин 8-10 кун ўтганда, ҳар иккала препарат таъсирида ҳам ун шудринг касаллигини ривожланиши пасайганлиги кузатилди ва бу таъсир 20-25 кун давом этди. Кузги буғдой касалликларини “Бист” ва Тилт-премум таъсирида пасайиб кетиши, буғдойнинг ҳосилдорлигига ва унинг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳосилдорлик 2,2-2,8 ц/га га ошганлиги, клейковинани миқдори эса, 28% гача кўтарилгани кузатилди (5-расм).



5-расм. “Бист” ва Тилт-премум препаратлари таъсирида кузги буғдойни ҳосилдорлигини ва сифат кўрсаткичларини ўзгариши


Туксизлантирилган, тозалаб ювилган ғўза уруғларини 1 соат давомида “Бист” ва “Бист-М” препаратлари (бактериал суспензиялар) билан инкубация қилинди. Инкубациядан кейин уруғ, соя-салқин жойда қуритилиб, кейинчалик, далага чиқарилди. Суспензиядаги бактериал хужайраларни миқдори 10^7 - 10^8 КОЕ/мл ташкил этади.

Дастлаб “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратларни шўрланган тупроқларнинг экологик ҳолати яъни, микробиологик таркибига таъсирини ўрганишни мақсад қилган ҳолда, тажрибаларни:

1. Назорат (курутилган уруғлар), $N_{250} P_{180} K_{100}$ -100%
2. Тажриба -1: $N_{250} P_{180} K_{100}$ +“Бист” (10^8 КОЕ/мл)
3. Тажриба -2: $N_{250} P_{180} K_{100}$ +“Бист-М” (10^8 КОЕ/мл).

Тажриба даласида тупроқларни микробиологик таркибида шўрланган тупроқларга нисбатан, шўри ювилган ҳолатда, анчагина ўзгариш содир бўлганлигини кўрсатди (6-расм).

1-ювилган тупроқ, 2-ўртача шўрланган тупроқ: АМ-аммонификаторлар; ОЛ-олигонитрофиллар; ФМ-фосформобилизация қилувчи бактериялар; асл-мойни нордонлаштирувчилар (маслянокисые); НТ-1-фаза нитрификаторлари; НТ-2-фаза нитрификаторлари; Дн-денитрификаторлар; Цаэр-аэроб целлюлоза парчаловчилар; Цанаэр-анаэроб целлюлоза парчаловчилар; Актин-актиномицетлар; Микром-микромиицетлар. (Микробиологик таҳлил, ЎзМУ нинг Биология факультети микробиология ва биотехнология кафедрасининг илмий лабораториясида бажарилган).



6-расм. Шўри ювилган (1) ва (2) экологик ҳолатдаги ўртача шўрланган тупроқлар таркибидаги микроорганизмларнинг ҳолати.

(Хоразм вилояти, Тупроққалъала тумани “Qalandar Yahshibaev” фермер хўжалиги тупроқлари, 0-30 см ҳайдов қатлами.2018 й.).

Шўри ювилганда ўсимликлар учун ҳамда тупроқ унумдорлигини ошишига хизмат қилувчи ҳамда тупроқнинг экологик ҳолатини белгилаб берувчи аммонификаторлар, фосформобилизация қилувчи бактериялар, 1 ва 2 фаза нитрификаторлари, актиномицетлар сув билан ювилиб кетганлиги кузатилган бўлса, ёғларни нордонлаштирувчи микроорганизмлар,

денитрификаторлар, аэроб целлюлоза парчаловчилар ҳамда микромицетлар сони ошганлиги, анаэроб целлюлоза парчаловчилар ва олигонитрофия микроорганизмларни сони деярли ўзгармасдан қолганлиги кузатилди.

«Микроб препаратлардан қишлоқ хўжалиги амалиётида фойдаланишнинг экологик жиҳатлари» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

ХУЛОСАЛАР

1. “Бист” микробиопрепарати билан ишлов бериб экилган уруғдан униб чиққан ўсимликларни хлорид-сульфатли ва сульфатли шўрланиш шароитларида ўсиши ва ривожланиши назоратга нисбатан жадалроқ бўлиши, бу эса, ўсимликларнинг ҳосилдорлигига таъсир кўрсатиши аниқланди.

2. “Бист” биопрепарати билан ишлов бериб экилган кузги буғдойнинг қишдан чиқиши 90,9% дан ошганлиги, ўсимликнинг шохланиш коэффициенти ва бошоқдаги уруғ сони минерал ўғитлар миқдори препарат билан ишлов бергандан кейин ўзгариши кузатилди.

3. Илк маротаба “Бист” биопрепарати таркибига кирувчи микроорганизмларнинг тупроққа инокуляция қилиш тупроқларнинг экологик ҳолатига ва биологик фаоллигига таъсири ўрганилди. “Бист” биопрепарати билан ишлов бериш, атроф-муҳитнинг ноқулай шароитларига, шу жумладан қурғоқчилик стресси шароитига мослашди.

4. “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари билан ишлов бериб экилган кузги буғдойнинг ун шудринг (*Erysiphe graminis*), қўнғир занг (*Puccinia recondite*), септориоз (*Septoria tritici*), илдиз чириш (*Fusarium oxysporum*) билан касалланишини пасайиши ва бу жараён вақтга тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги аниқланган. Масалан ун шудринг билан касалланиши 8-10 кунда назоратга нисбатан 10,9% га; 15-20 кунда 12,7% гача; 25-30 кунда 11,4% га камайганлиги билан изоҳланади.

5. “Бист” ва “Бист-М” биопрепаратлари таркибига кирувчи ризобактерияларнинг (*Pseudomonas putida* Pp-1 СКБ-251 ва *Bacillus subtilis* СКБ-256) ғўза ва буғдой ўсимликларининг турли навлари ризопланларида, ўсимликларни бутун вегетацияси даврида (115-125 сутка) ҳамда турли агроэкологик шароитлар тупроқларида колониялар ҳосил қилиш хусусияти аниқланди.

6. Илк маротаба Хоразм вилоятининг турли даражада шўрланган тупроқ шароитларига мослаштирилган “Бист-М” биопрепаратини тайёрлаш учун маҳаллий хом-ашё асосида озика муҳити тайёрланди ва у патент билан ҳимоя қилинган (ИАР 201803762). Ушбу биопрепаратнинг Хоразм вилояти агроэкологик шароитларидаги самарадорлиги аниқланди, бу ерда кузги буғдойнинг “Зимница”, “Дурдона” ва бошқа навлари ҳосилдорлиги гектарига 2,0 ц/га ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.04.2021.В.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РУЗИМОВА ХОЛИДА КАМИЛЖАНОВНА

**ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МИКРОБНЫХ
ПРЕПАРАТОВ В СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРАКТИКЕ**

03.00.10-Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В 2018.2PhD/B216

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.aknuk.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Турабаев Акмал Нормуминович
доктор биологических наук, доцент

Официальные оппоненты: Глеумуратова Бибигуль Сарыбаевна
доктор физико-математических наук
Абсаттаров Ниегбай Аллаберганович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита состоится на заседании Научного совета DSc.02/30.04.2021.В.79.01 по пруждению ученых степеней при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук в « 7 » 04 2022 года. (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук (зарегистрирована за номером « 22 »).

Автореферат диссертации разослан: « 14 » 03 2022 года

(реестр Протокола рассылки № 22 от « 14 » 03 2022 года)



[Signature]
Алимбетов Нагмет Каллиевич
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, Академик

[Signature]
Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, PhD б.н.

[Signature]
Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н. (DSc), доцент.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во многих странах мира наблюдается повсеместное ухудшение экологического состояния почв. Это приводит к негативному состоянию плодородия пахотных земель, снижению урожайности и качества урожая культур. Следует отметить, что увеличение количества токсичных для растений солей в почве ограничивает способность растений поглощать воду и питательные вещества различными механизмами, а также приводит к проявлению токсических свойств ионов и осмотического стресса, к дисбалансу питательных веществ, нарушению метаболизма за счет уменьшения влажности в организме растений. Применение биологических препаратов становится более экономически выгодным и экологически целесообразным. Поэтому разработка технологий, оптимального использования биологического потенциала растений и деятельности почвенных микроорганизмов в сельскохозяйственной практике имеет важное значение.

В развитых странах мира с целью биологического восстановления почв в большинстве отраслей сельского хозяйства ведутся научные исследования по использованию биологических препаратов, а также разработки ресурсосберегающих био-агротехнологий для выращивания сельскохозяйственных культур и получения из них экологически чистой продукции. В частности, определение агроэкологической и климатической зависимости эффективности биопрепаратов, оптимизация питания пшеницы и хлопчатника на засоленных почвах, регулирование управления симбиотических взаимоотношений между растениями и почвенными микроорганизмами, подбор эффективных штаммов микроорганизмов, активно разрушающих почвенные пестициды и широкое применение в биоремедиации почв, являются перспективными направлениями восстановления экологически деградированных почв. По этой причине, определение эффективности применения микробиологических препаратов на разной степени засоленных почвах, имеет большое научное и практическое значение.

В республике уделяется особое внимание разработке и внедрению в производство широкомасштабных мероприятий по созданию конкурентоспособных технологий выращивания основных сельскохозяйственных культур – пшеницы и хлопка, а также совершенствованию агротехнологий, используемых в течение нескольких лет. В этом плане достигнуты определенные результаты в улучшении экологического состояния почв, повышении ее плодородия и снижении количества токсичных солей в ней с использованием биопрепаратов, созданных на основе полезных для растений микроорганизмов. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены важные задачи по "... дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, широкое внедрение в сельскохозяйственное

производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий”¹. Для выполнения данных задач, в том числе использование микробиологических препаратов в промытых и засоленных почвах, а также восстановление экологического состояния почвы приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистана от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановление Президента Республики Узбекистана от 29 мая 2018 года №ПП-3751 «О дополнительных мерах по повышению эффективности оказания механизированных и сервисных услуг сельскохозяйственным товаропроизводителям», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

